

**ЎзТТСА тизимида 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги
Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсон қадрини улуғлаш ва
фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурида
белгиланган чора-тадбирлар ижроси:**

***Ихчам, профессионал, адолатли, юқори натижадорликка хизмат
қиласиган давлат бошқаруви тизимини жорий қилиши***

ИСО 9001 сифат менежменти тизими дунёдаги энг машҳур сифат менежменти тизими стандарти бўлиб, дунё бўйлаб 180 мамлакатларидағи миллиондан ортиқ ташкилотларни сертификатлаштирган. ИСО 9001 стандарти асосан бошқариш механизмидир. Ушбу стандартнинг мақсади - хатолар ва нуқсонларни камайтириш, йўқ қилиш ва олдини олиш.

Давлат дастурининг 18-бандига асосан, Вазирлик ва идораларда иш юритиш ва маъмурий бошқарув жараёнлари сифатини такомиллаштириш белгиланган. Бунда Вазирлик ва идоралар фаолиятига сифат менежменти тизимининг ISO 9001 халқаро стандартини жорий қилиш мақсадида, 67 та вазирлик ва идоралар рўйхати шакллантирилди.

Халқаро сифат менежменти тизимини жорий этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар режа лойиҳаси намуна шаклида ишлаб чиқилиб, рўйхатга асосан вазирлик ва идораларга келишиш ҳамда тасдиқлаш учун киритилди.

Бугунги кунда 25та вазирлик ва идоралар томонидан ISO 9001 халқаро стандарт талабларига мувофиқ сифат менежменти тизимини жорий этиш бўйича амалий чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, тасдиқланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат тест маркази ҳамда Гидрометеорология хизмати марказилари фаолиятига ISO 9001 халқаро стандарт талабларига мувофиқ сифат менежменти тизими жорий этилган.

***Республиканинг экспорт салоҳиятини ошириши орқали 2026 йилда
республика экспорт ҳажмларини 30 млрд АҚШ долларига етказиши***

Ўзбекистон Республикасида чиқарилаётган маҳсулотларнинг хорижий давлатларда рақобатбардошлигини ошириш ва экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда кўламини кенгайтириш, юзага келаётган техник тўсиқларни бартараф этишда тадбиркорлик субъектларига ишлаб чиқаришда ва хизмат кўрсатишда халқаро стандартларнинг ўрни катта.

Ҳозирда Корхоналарнинг экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришлари учун, халқаро стандартларни жорий этиш ва халқаро сертификатлар олишда доимий равишда кўмаклашилмоқда.

Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги томонидан **1 259** та йирик экспортчи корхоналарда халқаро стандартларга мувофиқ менежмент тизимларини жорий этилганлиги ва жорий этишга эҳтиёжи мавжуд корхоналарнинг тармоқлар кесимидағи таҳлили ўтказилди.

Таҳлил натижасида **434** та корхонада халқаро менежмент тизимлари жорий этилганлиги аниқланди.

Шунингдек, халқаро менежмент тизимларини жорий этишга эҳтиёжи мавжуд **179** та корхонада ҳамда “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси билан **150** та корхонада халқаро сифат менежмент тизимларини жорий этиш бўйича тармоқ жадваллари ишлаб чиқилди.

Вилоят ҳокимликлари билан корхонабай ишларни ташкил этиш натижасида **295** та корхонада халқаро сифат менежмент стандартларини жорий қилишнинг тармоқ графиклари тасдиқланди.

*қишилоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати **143** та, қурилиши материаллари **65** та, тўқимачилик **55** та, кимё **9** та, мебел-ёғочсозлик **7** та, ипакчилик **4** та, электротехника **3** та, чарм-пойабзal **3** та, машинасозлик **3** та, фармацевтика **2** та, паррандачилик **1** та.*

Шунингдек, жорий йилнинг биринчи чорагида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг жами **205** та туман ва шаҳарларида йирик экспортёр, стратегик инвестиция лойиҳалари бўйича ишга туширилган, махаллийлаштириш дастури асосида фаолият юритаётган ва паст қувватда ишлаётган корхоналар ҳамда тадбиркорлик субъектларининг **1666**нафар вакиллари учун халқаро стандартларни маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнига тадбиқ этишнинг истиқболлари, хорижий давлатларда маҳсулотлар сифати ва хавфсизлигига қўйилган техник талабларнинг мазмун-моҳияти ва халқаро стандартларга мувофиқ сифат менежменти тизимларини жорий этишнинг авфзалликлари мавзулари бўйича семинар-трейнинглар ташкил этилди.